Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 9 МАРТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (13.111)

Баҳоси эркин нархда

ХИТОЙ МАТБУОТИ: "ШҲТ РИВОЖЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ"

Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида ташкил этилган халқаро тузилма – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га раислик қилмоқда.

Айни шу жиҳат жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Масалан, яқинда Хитойнинг **«Дунфан Цзабао» ("Шарқ тонги")** газетасида ушбу мавзуга бағишланган мақола чоп этилди.

Унда муаллиф – газетанинг халқаро янгиликлар департаменти директори Вэй Синнинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ҳамда минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича изчил саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори йил сайин ортмоқда. Республика нуфузли халқаро тузилмалар, шу жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратаяпти.

Мақолада ШҲТ ташкил топиши ҳамда ривожланишида Ўзбекистон тутган ўрингa юқори баҳо берилган. Қайд этилганидек, ушбу тузилманинг асосчи давлатларидан бири ҳисобланадиган Ўзбекистон ҳозирги пайтгача ташкилотга икки маротаба — 2003-2004 ва 2009-2010 йилларда раислик қилган. Журналист ёзганидек, айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ШҲТ фаолиятини такомиллаштириш, турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги кўпгина муҳим ҳужжат ва қарорлар қабул қилинган.

"Ўзбекистон раислиги даврида, яъни 2010 йилнинг апрелида муҳим тарихий воқеа рўй берди: БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Тошкентга ташрифи чоғида БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Бу ҳужжат долзарб масалаларнинг ҳал этилишида бирга-ликдаги саъй-ҳаракатлар учун мустаҳкам замин яратгани ҳолда, икки ташкилотнинг расмий ҳамкорлигини бошлаб берди", деб ёзади Вэй Син.

Хитойлик шарҳловчи таъкидлаганидек, 2015 йил 11 июль куни ШҲТ раислиги навбати яна Ўзбекистон Республикасига ўтди. Жорий йилда ташкилот тузилганининг 15 йиллиги кенг нишонланади. Бу ҳам ташкилотнинг истиқбол режаларини муваффақиятли амалга оширишда масъулиятини янада юксалтиради.

"Ўзбекистон амалдаги анъаналарга кўра, ташкилотга аъзо давлатларнинг конструктив ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича манфаатларига жавоб берадиган, халқаро майдонда ШҲТ нуфузи изчил ошишининг таъминланиши тамойилларига қатъий амал қилмоқда. Мамлакат халқаро алоқаларни ривожлантириш бўйича ташаббусларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш, ШҲТ Хартиясида ўз ифодасини топган мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий заминни мустаҳкамлаш йўли билан минтақада хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашга кўмаклашаётир", деб таъкидланади нашрда.

Вэй Син ташкилотга Ўзбекистон раислиги доирасида Тошкентда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Кенгаши йиғилиши ва бошқа тадбирлар ўтказилиши хусусида тўхталар экан, уларнинг якуни бўйича қабул қилинадиган ҳужжатлар ҳамда қарорлар ШҲТ келажагини белгилаб беришига ишонч билдиради.

"Жаҳон" АА, Шанхай

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ғиёс Шамсутдинов олган сурат

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги 2-Республика тиббиёт коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси Шоҳида Давлатова дарсни юртимизда кенг нишонланадиган баҳорий байрамлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган видеоролик намойиши билан бошлади.

У ўз фаолиятида ўғил-қизларга хорижий тилни пухта ўргатиш ва мустақил фикрига эга ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади. Тил билганга кенг дунё деганларидек, ташаббускор педагог бу борада янги-янги лойиҳаларни ўқув жараёнига татбиқ этиб келмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ёшларимизнинг инглиз тилини ўрганиши ва дунё ахборот маконидан зарур маълумотларни олишида кенг имкониятлар яратмоқда.

Изланувчан педагог инглиз тили фанидан электрон дарс ишланмаси, мураккаб мавзуларни ўқитиш бўйича электрон слайдлар яратган. Улардан дарсларда самарали фойдаланмоқда. "Тестлар тўплами" услубий қўлланмаси ўқувчиларнинг билимини синовдан ўтказишда қўл келмоқда.

Муаллима ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва иқтидорини ривожлантириш мақсадида "World English" тўгарагини очган. Ушбу тўгаракда машғулотлар янги инновацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда олиб борилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 29 сентябрдаги Фармонига биноан Шоҳида Давлатова "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

– Президентимизнинг эътибори ва ишончи бизга улкан масъулият юклайди, янада самарали ишлашга ундайди, – дейди Ш.Давлатова. – Бугун Ўзбекистон бутун дунё билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу барча соҳа мутахассисларидан хорижий тилларни билишни тақозо этмоқда. Бўлажак шифокорларнинг инглиз тилини пухта ўрганиши, хорижлик ҳамкасблари билан эркин мулоқот қила олиши учун бор куч-имкониятимизни сарфлаймиз.

Педагог ўқувчиларда ахборот олиш, уни таҳлил этиш, маълумотлардан тўғри фойдаланиш, уни узатиш каби кўникмаларни шакллантиришга оид сабоқларни ҳам олиб боради. Бунда интернет тармоғидан инглиз тилидаги янгиликлар олинади, таржима қилинади ва унинг қай даражада муҳимлиги таҳлил этилади.

– Айни вақтда инглиз тилида бемалол сўзлаша оладиган тенгдошларим талайгина, – дейди ЎзА мухбирига коллеж ўқувчиси Жамшид Эркинов. – Яқинда пойтахтимизнинг қадимий обидаларини саёҳат қилиб юрган хорижлик меҳмонлар мендан ўзларига зарур манзилни сўради. Мен инглиз тилида батафсил тушунтирдим.

Муаллима билимга чанқоқ ёшларга муносиб бўлиш учун доимий изланишда. Инглиз тилини ўқитиш методикаси ва тиббиётга оид янгиликларни топиб, дарсларни қизиқарли ўтишга интилади.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун анъанавий "Ташаббус – 2016" кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтди. Танловнинг Самарқанд шаҳар босқичи айниқса юксак савияда ташкил этилди. Унда шаҳарда фаолият кўрсатаётган 50 га яқин тадбиркор ва 20 дан ортиқ ҳунарманд иштирок этди.

● Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан "Намунали уй-жойлар – обод турмуш кўзгуси" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида Президентимиз раҳнамолигида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар қишлоқларимиз кўркига кўрк бағишлаш билан бирга аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириб, юртдошларимизнинг ҳаётга муносабатини, дунёқарашини ўзгартираётганлиги қайд этилди.

● Термизда Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирга ҳарбий қисмлар ва ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қилаётган хотин-қизлар таклиф этилди. Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларда фаол иштирок этаётган ҳарбий хизматчи аёлларга эсдалик совғалари топширилди. Ватан, тинчлик ва меҳр-оқибатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

● Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамиятида семинар ўтказилди. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини кенгайтириш бўйича билимларни янада бойитиш мақсадида ўтказилган семинар иштирокчиларига корпоратив бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш, жумладан, ривожланиш стратегияси, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик механизмлари бўйича маълумот берилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳридан 30 километр узоқликда авиаҳалокат рўй берди. Самода иккита енгил моторли самолётнинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди.

● Хитойнинг ҳарбий бюджети ҳажми жиҳатидан жаҳонда АҚШдан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Ўтган йили Пекиннинг мудофаа харажатлари 135 миллиард доллар атрофидаги маблағдан иборат бўлди. Жорий йилда эса Хитой ҳарбий бюджетининг яна 8 фоизга ўсиши маълум қилинди.

● Мексикада бундан бирмунча муддат аввал радиоактив металлни элтиб бораётган пайтида ўғирлаб кетилган юк машинаси топилди. Ҳозирда фуқаро муҳофазаси хизмати ходимлари ўғирланган юк машинаси топилган жойни текширувдан ўтказмоқдалар. Улар юк машинасида иридий-192 метали жойланган контейнер мавжудми ёки хавфли юк беиз йўқолганми, шуни аниқлайдилар.



Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Наврўз — 2016

БАҲОРНИНГ ҲАР КУНИ ҒАНИМАТ

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилда 8 минг 200 гектардан кўпроқ майдонда янги боғ, 5 минг 800 гектарда узумзор яратилади. Туман ва шаҳарлар маркази, аҳоли турар жойлари, йўл бўйлари ва хиёбонларга минглаб кўчат ва қаламчалар, гуллар ва буталар экилади.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти кўчат экиш, ёнатрофини обод этиш истагидаги юртдошларимизга яқиндан ёрдам бермоқда. Илмий жамоа баҳорда жойларга етказиб бериш учун 4 миллион донадан кўпроқ манзарали ва мевали дарахт, ток ҳамда гул кўчатларини тайёрлади. Улар юртимиз иқлим шароитига мослиги, серҳосиллиги ва чиройли манзараси билан ажралиб туради.

– Кўчатнинг бўйи ўртача 1,5 метр, навдалари силлиқ ва узун, куртаклари орасидаги масофа бир хил бўлгани яхши, – дейди институт бўлим бошлиғи Равшан Абдуллаев. – Бу кўчатнинг барча агротехника қоидаларига мувофиқ етиштирилганидан далолат. Навдалари калта, улардаги куртаклар ораси жуда яқин бўлса, кўчат "қийналган"идан дарак беради, яъни у меъёрида ривожланмаган бўлади. Илдизлари ҳам етарли даражада йўғон ва 3-4 тадан кам бўлмаслиги керак. Устки қисми илдиз бўғизидан 60-70 сантиметр баландликда 3-4 тадан шохлаган бўлиши лозим. Пайвандтаг билан пайвандустнинг ўлчами бир хил бўлган кўчат сифатли ҳисобланади. Шундай кўчат танланса дарахтнинг умри узоқ бўлади, яхши ҳосил беради.

Жорий йилдан институт ва унинг филиалларидан харид қилинган ҳар бир кўчат учун нав гувоҳномаси ҳам тақдим этилмоқда. Бу ниҳолга ўзига хос кафолатдир. Бозордан кўчат олган киши тажрибали деҳқон бўлмаса, алданиб қолиши мумкин. Масалан, шафтоли ва ўрик кўчатлари бир-бирига ўхшагани боис ҳамма ҳам уларни дарров ажратолмайди.

Айни вақтда баҳорнинг ҳар кунини ғанимат билган боғбонлар боғ ва токзорларга шакл бериш, суғориш, минерал ва маҳаллий ўғитлар солиш каби агротехник тадбирларни бажармоқда.

– Баҳор инсоннинг табиатга бўлган меҳрини синовчи палла, – дейди "Миришкор Сайфуддинова Хонзода" фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Сайфуддинов. – Бу даврда ҳар биримизда гул ва дарахт экиш, уларни парваришлаш завқи ортади. 20 гектар интенсив боғимизда баҳор юмушларини бошлаб юбордик. Юртимизда ўсадиган, деярли йўқолиб кетиш арафасида турган ўсимликлардан намуналар олиб, кўпайтираяпмиз.

Хўжаликда олма, гилос, олча, нок каби меваларни етиштириш билан бир қаторда арча, қарағай, оқ қайин, каштан, қайрағоч каби манзарали дарахтлар ҳам кўпайтирилмоқда. Хўжаликнинг икки гектар тажриба кўчатхонасида Марказий Осиё, Европа, Шимолий Америка ва Узоқ Шарқ мамлакатларидан келтирилган антиқа ўсимликлар ҳам мавжуд. Анвойи атиргул кўчатлари ўз жозибаси ва фусункорлиги билан Голландия ва Бельгияда етиштириладиган худди шундай ниҳоллардан асло кам эмас. Жамоа ўтган йили маҳаллий буюртмаларни таъминлаш баробарида, қарийб 30 минг долларлик экспорт амалиётини бажаргани ҳам ана шундан далолатдир.

Жорий йилда фермер хўжалигининг 20 гектар кўчатхонасида ноёб гуллардан 100 минг дона, мевали ва манзаралари дарахтлардан 50 минг донадан зиёд кўчат етиштирилди.

Эзгу ниятлар билан экилаётган ҳар бир дарахт боғ-роғларимизнинг янада кенгайишига, юртимиз ободлиги ва бозорларимиз фаровонлигига ҳисса бўлиб қўшилади.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири

ЁШЛАР ҚАЛБИДА ФАХР-ИФТИХОР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларида "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирокида ўтказилаётган тадбирларда ёшлар қалбидаги ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат, аждодларимиз даҳосидан фахрланиш ва келажакка интилиш туйғулари яққол намоён бўлмоқда.

Тошкент педагогика коллежида бўлиб ўтган учрашувда истиқлол йилларида эришилган юксак марралар, Президентимизнинг ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмай, соғлом ва баркамол вояга етказиш йўлида кўрсатаётган чексиз ғамхўрлиги, халқимизнинг улуғ аждодларимизнинг маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда уни жаҳонда кенг тарғиб этиш борасидаги интилишлари ҳақида сўз борди.

Ўқувчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимиз салоҳияти ва қудрати кун сайин юксалиб бораётгани, эришилган ютуқ ва марраларимиз дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, юртимиздаги тинч-осуда ҳаёт, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитининг барқарорлиги ҳаётий мисоллар асосида тушунтирилди.

– Элимиз ардоғидаги санъаткорлар, ёзувчию шоирлар билан суҳбатлашиш доимо мароқли, – дейди ЎзА мухбирига коллеж ўқувчиси Заҳро Фиёсова. – Улар жаҳон илм-фанига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, ҳаётимиз фаровонлиги, биз, ёшларнинг камолоти йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида гапирганда барча тенгдошларим каби мен ҳам тўлқинланиб кетдим. Шу буюк Ватан фарзанди эканимдан ғурурландим. Келажакда улуғ аждодларимизга муносиб ворис бўлишга, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга интиламиз.

Тадбир доирасида юртимизда мустақилликкача бўлган давр ҳамда истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар самаралари акс этган фотокўргазма ташкил этилди.

Дилшод КАРИМОВ

Пойтахтимизда "Янги таҳрирдаги Божхона кодекси: тадбиркорлар учун максимал қулайликлар" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. "Тошкент-аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ҳамда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари қатнашди.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

"Тошкент-аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиғи Р.Тожиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида божхона тизими тобора мустаҳкамланаётгани мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлиги таъминланишига хизмат қилаётганини таъкидлади. Янги таҳрирдаги божхона кодекси тасдиқлангани соҳага оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштирди.

Кодекс самарали божхона назоратини ташкил этиш билан бирга ташқи савдо операциялари ривожланишини рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади. Чунки унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига максимал даражада қулайликлар яратиш назарда тутилган.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари давлат органларига ҳужжатлар тақдим этишда "бир дарча" тамойили асосида иш кўради. Бу тадбиркорга замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат органлари томонидан ташкил этилган ягона ахборот тизими орқали барча тегишли давлат органлари ва идораларга рухсатномалар олиш учун виртуал тарзда мурожаат қилиш ва уларни олиш имкониятини беради.

Божхона кодексида божхона тўловларини тўлаш тартиби, шакли ва муддатлари батафсил ёритилган. Муҳими, ушбу жараёнга сарфланадиган вақт янада қисқаради. Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товар ва транспорт воситаларини аниқ божхона режимига расмийлаштиришга оид қоидалар тартибга солинди. 16 турдаги божхона режими, уларни қўллаш ва тугатиш шартлари ҳамда тартиблари батафсил кўрсатилган.

– Янги таҳрирдаги Божхона кодексида товарни импорт божхона режимига жойлаштириш талаблари ва шартлари аниқлаштирилгани биз, тадбиркорларга янада кенг қулайлик яратади, – дейди пойтахтимизда фаолият юритаётган "Gratus Servis" корхонаси божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси Баҳодир Қосимов. – Маҳсулотимизни хорижга экспорт қилиш, хориждан хомашё ёки эҳтиёт қисмлар келтиришда божхона юк декларацияларини ўз идорамиздан чиқмасдан электрон тарзда топширмоқдамиз. Вақтимиз ҳам, маблағимиз ҳам тежалмоқда, бюрократик тўсиқларга дуч келмаяпмиз.

Тадбирда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

(ЎзА)

Ахборот-коммуникация технологиялари

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш марказида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таълим сифатини ошириш, янги педагогик технологиялар, тармоқда амалга оширилаётган лойиҳаларга бағишланган ўқув-семинари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, мутахассислар, мамлакатимиз ва хорижий компаниялар вакиллари иштирок этди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жадал янгиланаётгани ва мунтазам такомиллашаётганини таъкидлади. Шу боис соҳанинг кадрлар салоҳиятини юксалтириш масаласи долзарб вазифалардан биридир. Олий ўқув юртларининг ташкилий тузилмаси такомиллаштирилиб, таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 26 мартдаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда. Таълим жараёнининг мунтазам яхшиланаётганига Тошкент ахборот технологиялари университети яққол мисол бўлади. Сўнгги йилларда олий ўқув юртида амалиётга илғор хорижий тажрибани жорий этиш ҳисобга олинган ҳолда, ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди. Бакалавр ва магистрантларга мўлжалланган юқори технологияли таълим йўналишлари рўйхати кенгайтирилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ректори У.Ҳамдамов илмий-тадқиқот ва инновацион салоҳиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Жумладан, университетда мобиль алоқа, электрон муҳандислик ва робот техникаси, оптик толали алоқа линияси каби илмий лабораториялар фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш, соҳанинг кадрлар салоҳиятини юксалтиришда Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Айни пайтда университетда мактаб ўқувчиларига дастурлашни ўргатишга йўналтирилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

Семинарда янги педагогик технологиялар, "электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш, кенг полосали хизматларни ривожлантириш истиқболлари, давлат идораларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Тадбир видеоконференция шаклида ўтказилди. Бу семинарда барча вилоятлардан мутахассисларга фаол иштирок этиш имконини берди.

М.ҚАРШИБОЕВ

Юртимизда фармацевтика саноати жадал ривожланиб бораётгани "Ўзфармсаноат" акционерлик концерни томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида аниқ маълумот ва таҳлиллар асосида алоҳида изоҳлаб берилди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида соҳа чинакам ривожланиш босқичига қадам қўйди. Ушбу масъулиятли вазифани "Ўзфармсаноат" АК таркибидаги дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар амалга оширмоқда.

ДОРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бугунги кунда маҳаллий дори ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 122 тани ташкил этгани ҳолда шундан дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар 76 та, диагностика воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 4 та, тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 42 тани ташкил этади.

Матбуот анжуманида дори ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг жаҳон бозорига чиқиши йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам маълумот берилди. 2015 йил ҳолатига 8 та корхонада халқаро сифат стандартлари GMP сифат белгиси жорий этилди. Дори воситалари, тиббиёт буюмлари, биологик фаол қўшимчалар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқараётган жами 30 та ишлаб чиқариш корхоналарида бошқарув сифат менежменти тизими ташкил этилган. Концерн таркибидаги фармацевтика корхоналарида 2013-2017 йилларда ампула, инфузион ва қуруқ кукунли дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнида сифат менежменти халқаро GMP стандартларига босқичма-босқич ўтиш режалаштирилган.

Фармацевтика маҳсулотларининг экспорт салоҳияти ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. 2015 йилда амалда 11,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар Эстония, Латвия, Литва, Польша, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби давлатларга экспорт қилинди.

Анжуманда соҳани тараққий эттиришнинг 2016 йилги устувор йўналишлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилиб, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

З.ШАРИФЖОНОВ



Сарвар Ўрмонов олган сурат

МОҲИР ҲУНАРМАНД КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев ижодий кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Республика "Ҳунарманд" уюшмаси раиси М.Қурбонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий маданиятимиз ва санъатимиз изчил ривожланаётгани, ижодкорлар ва ҳунармандлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Моҳир наққош, ўймакор уста О.Файзуллаев 1933 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Шогирдлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биноси, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, кўплаб маъмурий бинолар, санъат саройлари, муқаддас қадамжоларни декоратив безаш ишларига ҳисса қўшган. Қирқ беш йил мобайнида Республика рассомлик коллежида ёшларга ёғоч ўймакорлигидан дарс берган. Ўғиллари ва набиралари бугунги кунда устанинг ижод йўлини давом эттирмоқда.

Моҳир устанинг ижод намуналари юртимиз ва хориждаги музейларда сақланиши билан бирга Австралия, Бельгия, Германия, Швеция, Франция, Япония, Италия, Кипр, Польша каби мамлакатлардаги кўргазмаларда юксак эътироф этилган.

Мазкур кўргазмада О.Файзуллаев ишлаган лавҳ, қутича, мўъжаз курси, деворий безаклар, қаламдон каби эликдан зиёд ижод намунасига ўрин берилган. Ёғоч ўймакорлигининг Тошкент мактаби йўналишидаги бу ижод намуналари нафислиги, нақшларининг мукаммаллиги билан томошабинлар эътиборини жалб этмоқда.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекциясининг 2015 йил 15 декабрдаги 292-сонли хатига илова "Шайхонтоҳур туманида мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси"га асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шайхонтоҳур туманида 2016 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Шайхонтоҳур туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Х.Шермухамедов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Шайхонтоҳур туман тармоқ администратори (Н.Насириллаев):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.shayxontohur.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Махамедов зиммасига юклансин.

Шайхонтоҳур тумани ҳокими М.Мирқосимов

2016 йил 8 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Мустақиллик Ўзбекистон хотин-қизларининг давлат ва жамият қурилишида муносиб ўрин эгаллашлари учун кенг имкониятлар йўлини очди. Шу боис ҳам опа-сингилларимиз доимо ҳукуматимиз эҳтироми ва эъзозидадирлар.

ИЗЗАТ-ҲУРМАТДАДИР ЎЗБЕК АЁЛИ

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан Хотин-қизлар куни муносабати билан туманда фаолият юритаётган хотин-қизлар, фахрий аёллар учун Ўзбек миллий академик драма театрида "Аёлларга эҳтиром" номли байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирга туманнинг фахрий аёллари, нуроний онахонлар, туман ободонлаштириш бўлими ходималари, якка-ёлғиз қариялар таклиф этилди.

Тадбир давомида кўп йиллардан бери сидқидилдан меҳнат қилаётган, фидойи аёлларга фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Бугун барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлган ўзбек аёлининг жамият, давлат ва оилани мустаҳкамлашдаги фаоллигини, унинг халқ ва жамият эъзозида, иззат-ҳурматда эканлигини кундалик ҳаётимизда чуқур ҳис қилиб келмоқдамиз. Ўзбек аёли гўзал ахлоқий фазилатлар соҳибаси сифатида кун сайин ўз нуфузини ошириб, ақлзаковатли экани, серқирра меҳнати орқали мукаммаллашиб бормоқда. Буларнинг барчаси юртимизда аёлларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик натижасидандир, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова.

Тадбир давомида йиғилганлар дилтортар куйлар, саҳнавий чиқишларни мириқиб тинглаб, ҳордиқ чиқардилар.

(Ўз мухбиримиз)





ХОТИН-ҚИЗЛАР ЭЛ АРДОҒИДА

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Темир йўл минтақавий ташкилоти ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари"АЖ ҳамкорлигида ўтказилган байрам тадбири "Аёл борки олам мунаввар" деб номланди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори М.Расулов ва бошқалар хотин-қизларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни асраб-авайлаш, ардоқлаш халқимизга хос азалий қадриятлардан бири эканлигини таъкидлади.

Тадбирда институтнинг профессор-ўқитувчилари, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари ҳамда талабалар иштирок этди.

— Дунёда жамият нуфузи ва маданий даражасини белгилаб берадиган мезонлар кўп, бироқ давлатнинг хотин-қизлар ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга муносабати ўша халқ маънавий камолотининг кўрсаткичларидан бири ҳисобланади,— дейди мазкур институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Дилшод Баратов биз билан суҳбатда. — Мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланиб, юртимиз фаровонлиги янада ошиб боргани сари хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳам ортиб бормоқда. Ҳаётнинг гултожи, умрнинг мазмуни, оиланинг фариштаси ва сариштаси бўлган аёлларимизга энг эзгу тилакларни тилаб қоламиз.

Байрам муносабати билан институтнинг бир қатор аёл профессор-ўқитувчилари ва ходимлари Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Темир йўл минтақавий ташкилоти ҳамда институт касаба уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир доирасида "Экология ва саломатлик ойлиги"нинг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Мазкур ойлик 31 мартга қадар турли долзарб мавзудаги тадбирларни қамраб олган ҳолда соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилиши маълум қилинди.

Тадбир дилрабо куй ва қўшиқлар, шўх рақсларга уланиб кетди.

* * *

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида ўтказилган "Муқаддассан, азизсан аёл!" мавзуидаги байрам дастури маданият саройида юксак савияда, кўтаринки руҳда нишонланди.

Тадбирда институт ректори Р.Сайдаҳмедов Президентимиз раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қизларнинг замонавий касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлаб ўтиш баробарида барча аёлларни, дилбар қизларни гўзал баҳор байрами билан табриклаб уларга ўз тилакларини изҳор этди.

Тадбирда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, талаба қизларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани қайд этилди.

— Аёл деганда кўз олдимизда аввалambор азиз ва мукаррам она сиймоси намоён бўлади, – дейди Тошкент давлат техника университети Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи Турсунмурод Маматқобилов. — Барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, меҳр-муҳаббати билан қалбимизга олижаноб туйғуларни сингдирган мунис онахонларимиз, опа-сингилларимизга ҳар қанча таъриф камлик қилади. Улар нафақат оиланинг, балки жамиятимизнинг энг фаол аъзолари ҳисобланади.

Байрам кечасида эл севган санъаткорлар билан биргаликда талаба ёшлар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, дилтортар қўшиқлар, гўзал рақслар барчага бирдай манзур бўлди.

Тадбир доирасида университет жамоаси томонидан энг фаол ва изланувчан, аёл устоз-ўқитувчиларга, жонкуяр ходимларга ва иқтидорли талабаларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасига асосан **жисмоний шахслар 2015 йил давомида олган**:

мулкий даромадлари, *агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса,*

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлари;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлари;

икки ёки ундан кўп манбадан олинган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари ҳамда,

солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлари юзасидан **2016 йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан** жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишлари лозим.

Жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига:

шахсан ташриф буюрган ҳолда ёки ишончли вакил орқали;

почта хизматидан фойдаланиб, буюртма хат орқали;

Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайтидаги "Электрон солиқ декларациялари" интерактив хизматидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тақдим этишлари мумкин.

Жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174-моддаси 3-қисмига асосан жарима солишга сабаб бўлади.

Шундай экан солиқ декларацияларини 1 апрелдан кечиктирмай топширишни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Янгиобод ихтисослашган бозори" МЧЖ ҳудудидаги ижарага бериладиган бўш жойлар тўғрисида маълумот

Умумий овқатланиш

1-сонли ошхона	2-ҳудуд	147
2-сонли ошхона	2-ҳудуд	84,3
3-сонли ошхона	2-ҳудуд	132,14
4-сонли ошхона	1-ҳудуд	126,29
5-сонли ошхона	4-ҳудуд	268,45
6-сонли ошхона	2-ҳудуд	30,08
7-сонли ошхона	2-ҳудуд	16
8-сонли ошхона	3-ҳудуд	160,26
9-сонли ошхона	3-ҳудуд	118,83
10-сонли ошхона	1-ҳудуд	56,93
Жами:		1140,28

Манзил: "Янгиобод ихтисослашган бозори" МЧЖ Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Толариқ кўчаси,1. Телефон: 298-39-29.

СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ташаббуси билан Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб "Аёллар доимо эъзозда" деб номланган акция ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётида иштирокини кенгайтириш, ҳуқуқларини муҳофазалаш ва саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётир.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу жабҳадаги ишлар тобора кенгаймоқда. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. "Аёллар доимо эъзозда" лойиҳаси ҳам шундай тадбирлар сирасига киради.

Ушбу акция доирасида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг турли маҳаллалари, "Саховат" уйларидаги аёллар, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар қамраб олинди ва уларга фондининг байрам совғалари топширилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Ҳозирги даврда ҳаётимизни замонавий техникасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ички ишлар идораларини ислоҳ қилиш, замонавий технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилиб, салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги қўриқлаш хизматининг қўриқлаш хавфсизлик техника воситаларини жорий қилиш ва фойдаланишни ташкиллаштириш тизими муҳим йўналишларидан бири сифатида самарали шаклланиб бормоқда.

Техник қўриқлаш пунктлари иш самарадорлигини оширишда олиб борилган ташвиқот ва тарғибот ишлари натижасида фуқароларнинг бизнинг хизматга ишончи ортиб бормоқда.

Республикамиз бўйича қўриқдаги объектларнинг сигнализация воситалари билан жиҳозлаш ҳозирги даврга келиб, 6,4 фоизга ошган, яъни, жами 95,5 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларига асосан қўриқлаш хизмати томонидан ўта муҳим ва тоифаланган объектлар қўриқланади. Ушбу объектларнинг техник мустаҳкамлигини ошириш бўйича замонавий қўриқлаш-ёнғин сигнализация воситалари билан жиҳозлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги пайтда республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаларида 177 та техник қўриқлаш пункти мавжуд бўлиб, улар томонидан 19000 дан ортиқ объектлар қўриқланиб келинмоқда. Айни пайтда техник қўриқлаш пунктлари 8000 дан ортиқ хонадонларга хизмат кўрсатмоқда.

Фуқаролар хонадонларида содир этилиши мумкин бўлган ўғирликларнинг олдини олиш мақсадида Ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари техник қўриқлаш пунктлари томонидан фуқаролар хонадонларини қўриқлашга олиш борасида 2015 йил давомида аҳоли ўртасида бир қатор тадбирлар ўтказилиб, тушунтириш тарғибот ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрь кунидаги қарори асосида автоматлаштирилган қўриқлаш ва ёнғиндан хабар бериш тизимининг дастурий таъминоти учун сервер ускуналарини харид қилишга тендер савдолари ўтказилиб, меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари якунига етказилди.

Республика Ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш хизматига замонавий қўриқлаш техника ва технологияларини жорий этиш билан бир вақтда уларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари фаол давом эттирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Фарғона Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказида таҳсил олаётган тингловчи ва курсантларнинг билим савияларини ошириш мақсадида, Марказда замонавий автоматлаштирилган қўриқлаш ва ёнғиндан хабар бериш тизимининг ўқув стендлари дастурий таъминоти билан ўрнатилди ва ўқув синфи ташкил этилди. Шу билан бир қаторда, тингловчиларнинг назариясини амалиёт билан боғлаш учун техник қўриқлаш пункти ташкил этилиб, замонавий моддий техника воситалари билан жиҳозланди.

Республика Ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаларининг техник қўриқлаш пунктларини моддий-техник жиҳозлаш хизматнинг самарадорлиги, тезкорлигини ошириш мақсадида ўтган 2015 йил давомида "Motorola" русумидаги рақамли радиоалоқа воситалари билан таъминланди. "Қўриқлаш" Республика бирлашмаси томонидан "HR Capital Consulting" МЧЖ билан радиоалоқа воситаларига "TRB Onet Enterprise 3.x" дастурий таъминотини ўрнатиш бўйича шартнома имзоланди.

"Қўриқлаш" Республика бирлашмаси ва вилоятлар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқарма ва бўлимлари ўртасида "Hujjat-MF" электрон ҳужжат айланиш тизими татбиқ этилиб, ИИВнинг корпоратив тармоғига уланди ҳамда идоравий ва қонун ҳужжатларини Республика Ички ишлар органлари тизимида тезкорлик билан электрон шаклини юбориш имконияти яратилди.

Элмурод КУЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ "Қўриқлаш" бирлашмаси ИХҲК ва ЮТБ Матбуот гуруҳи катта инспектори

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Аҳолини юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бунда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар, барқарор эпидемиологик ҳолатни сақлашдаги эътибор ва ғамхўрлик масалалари" мавзуида навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тиббиёт

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Анжуманда Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари, санитария-эпидемиология хизматлари, юқумли касалликлар шифохоналари, олимлар ва шифокорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Бош давлат санитария врачи С.Сайдалиев ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ўта хавфли ва юқумли касалликларнинг олдини олишда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар бугун ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Бугунги кунда санитария-эпидемиология муассасалари энг замонавий тиббий жиҳозлар ва илғор лаборатория таҳлил воситалари билан таъминланган. 2015 йилдан миллий эмлаш календари асосида 12 юқумли касалликларга қарши эмлаш ишлари олиб борилмоқда. Вакциналар давлат бюджети ҳисобидан ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти орқали харид қилинмоқда. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва унинг сифатини назорат этиш бўйича мониторинг тизими яратилган.

Гепатит касаллигининг олдини олиш ва бундай хасталикларни аниқлаш ва даволаш ишлари ҳам йил сайин яхшиланиб бормоқда. Соҳага янги лаборатория таҳлил усуллари татбиқ қилингани фуқароларнинг саломатлигини асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда дунёнинг турли мамлакатларида юқумли касалликлар бўйича вазият жиддийлашганига қарамай, мамлакатимизда бу борада эпидемиологик барқарорлик таъминланмоқда.

Матбуот анжуманида юртимизда санитария-эпидемиология борасида амалга оширилаётган самарали ишлар, чора-тадбирлар ва келажакдаги вазифаларга доир чиқишлар қилинди.

Гулнигор САТТОРОВА

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ҳодимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

"Миллий тикланиш" демократик партияси Чилонзор туман Кенгаши "IFFATLI KELIN" НТМ раҳбари Солиҳа Фатхуллаевна Нигматовага отаси

Фатхулла НИГМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида "Халқаро ҳамкорлик, замонавий таълим ва илмий-тадқиқот иши" мавзуида онлайн-тренинг бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва Буюк Британия олий таълим муассасалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олий таълим тизимини изчил ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг касб даражаси ва малакасини ошириш, уларни халқаро андозаларга мувофиқ қайта тайёрлаш, бу борада самарали механизмни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этишга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини янада оширишга хизмат қилаётир.

Британия кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур онлайн-тренинг олий таълим ва ундан кейинги таълим самарадорлигини янада юксалтириш, олий малакали педагог кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишга бағишланди.

Мамлакатимизда бу йўналишда олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курси ўқув режасининг намунавий тузилмаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, малака ошириш жараёнида олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнида қўллаш, хорижий тил курси, тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш асослари, махсус фанлар, педагогик амалиёт, малакавий аттестация каби йўналишларга асосий эътибор қаратилади. Шу билан бирга, замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услублари тубдан янгиланади.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар, хусусан, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларнинг замонавий билим олиши, етук мутахассис бўлиб етишиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ўзбекистон ёшларининг жаҳон стандартлари асосида таҳсил олиши йўлида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, мамлакатимизда дунёдаги кўплаб нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият юритаётгани қайд этилди.

– Ўзбекистонда таълимнинг барча босқичини юксак даражада ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир, – деди Бат университети профессори Иан Кроуфорд (Буюк Британия). – Мазкур тадбир халқаро стандартларга мос таълим сифатини таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Анжуманда соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ўқув дастурлари асосида олий таълим сифатини ошириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Вилоятлардаги олий ўқув юртлари билан халқаро даражадаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, Ўзбекистон ва Буюк Британия олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Кадрлар тайёрлаш йўналишида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, соҳада тажриба ва ахборот алмашувини янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

Шу куни Буюк Британия олий таълим муассасалари вакиллари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ҳам учрашув ўтказди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ЖИСМОНАН СОҒЛОМ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Яккасарой туманидаги 73-умумий ўрта таълим мактабида "Камолот" шахмат тахтаси" IX анъанавий Республика турнирининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Турнирда минтақавий босқичда ғолиб бўлган 9 та ўрта махсус таълим муассасалари ва 14 та умумий ўрта таълим мактаби ўқувчи-ёшлари иштирок этдилар.

"Камолот" шахмат тахтаси" Низомига мувофиқ 5 та ёш тоифасидаги ҳаваскор шахматчилар ўзаро беллашдилар.

Турнир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши томонидан "Sehrli shaxmat" МЧЖ билан ҳамкорликда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, мусобақа Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал салоҳиятини, тафаккур даражасини ўстириш, ёшларни спортнинг энг мураккаб турларидан бири бўлган шахматга қизиқишларини янада кучайтириш, уларни жисмонан соғлом ва ақлий салоҳиятларини юксалтиришга қаратилди.

Турнир натижаларига кўра юқори ўринларни 160, 89, 100, 48-умумтаълим мактаблари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2 ва 3-сонли лицейда таълим олаётган ўғил-қизлар қўлга киритишди.

— Мен шахмат бўйича орттирган билимларимни тенгдошларим билан синовдан ўтказганимдан мамнунман, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сонли академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Санжар Султонов. — Келгусида шахмат бўйича улкан ютуқларга эришаман ва спортнинг ривожланишида ўз ҳиссасини қўшадиган ёшлардан бири бўламан.

Тадбир сўнгида ғолибларга фахрий ёрлиқ, медаль ҳамда "Камолот" кутубхонаси рукни остида чоп этилган китоблар топширилди.

* * *

"Камолот" шахмат тахтаси" мусобақасининг Шайхонтоҳур туман босқичи 15-сонли ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилди.

Унда туман босқичига йўлланма олган 45 нафар минтақавий босқич ва 26 нафар ўрта махсус таълим муассасалари ғолиблари куч синашди.

— Ушбу мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад спортни кенг ва оммавий тарзда ривожлантиришдан иборат, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши раиси ўринбосари, "Камалак" болалар ташкилоти раиси Насиба Ваисова.

Қизғин баҳсларга бой ўтган мусобақада 8 ёшгача, 12 ёшгача, 14 ёшгача ва 16 ёшгача, шунингдек, 17-19 ёш тоифасидан 1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Пойтахтимиздаги "Камолот-спорт-саломатлик" мажмуасида спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича "Камолот" маликалари" болалар очиқ мусобақаси ўтказилди.



Мусобақа 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрамини кенг нишонлаш, ёшларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб қилиш, спортнинг гимнастика турини кенг тарғиб этиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилди.

Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан – Тошкент вилояти, Самарқанд, Сирдарё, Наманган, Фарғона, Андижон ҳамда пойтахтимиздан юзга яқин спортчи қизлар қатнашди. Қизлар ёш тоифалари бўйича эркин ва предметлар бўйича нафис ҳаракатлар ила чиқишлар намойиш этишди.

— "Камолот" ЁИҲнинг асосий фаолият йўналишларидан бири бу – ёшлар орасида жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турлари, халқ ўйинларини ривожлантиришга кўмаклашиш, турли мусобақа ва турнирлар ўтказишдан иборат, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси Азиза Раҳматуллаева. — Мазкур йўналишдаги спорт тури ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида амалга оширилаётган турли лойиҳалар бўйича ўтказилаётган мусобақа ва турнирларда ўз аксини топмоқда.

Иштирокчиларнинг бир-биридан гўзал чиқишлари, моҳирона ҳаракатлари йиғилганларни ҳайратлантирди. Натижаларга кўра Муниса Маҳмуджонова, Муштарий Шоназарова, Омина Усмонова, Камола Қобилбекова, Азиза Жўрабоева, Дилёра Ҳамидуллаева, Лазиза Мирзакаримова, Лиза Горошко, Мадина Шукурлаева, Шаҳризода Халилова каби қизлар шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

Олмазор туман ҳокимлигида одам савдосига қарши курашиш бўйича Тошкент шаҳар ва Олмазор туман ҳудудий идоралараро комиссиялари томонидан "Фаолиятдаги ижобий ишлар, хато ва камчиликлар" мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.

Тадбирлар

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Тадбирда туман ҳокими Б.Ғоибназаров сўзга чиқиб, тажриба алмашиш, йўналиш бўйича ҳамкор ташкилотлар вакилларини кун тартибидаги масалалар юзасидан маърузаларини эшитиш, туман идоралараро комиссия учун ташкил этилган шароитлар, яъни фойдаланадиган зарур техника воситалари, одам савдосига қарши курашишга оид қонун ва қарорлар ҳамда низомлар акс эттирилган стендлар, иш фаолиятида юритиладиган ҳужжатларнинг йиғма жилдлари Республика идоралараро комиссиясининг тегишли йўриқномалари ва қўлланмалари асосида олиб борилиши йўлга қўйилганлиги билан иштирокчиларни батафсил таништириб ўтди.

Тадбирда республика реабилитация маркази, Тошкент шаҳар Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармалари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши бўлимларидан вакиллар иштирок этди.

Ўқув-семинарида одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш, уларни ҳимоя қилиш, доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга чиқиб кетган ва қайтиб келганлар, чет элларидан депортация қилинган шахсларни рўйхатга олиниши юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳамда уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш, бандлигини таъминлаш, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳаллалардаги ёшлар ўртасида ушбу мавзу юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ва тарғибот ишлари хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, тажриба алмашишди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

Зафар НАЗАРОВ

Футбол янгиликлари

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Хитойда футбол бўйича 19 ёшгача бўлган ёшлар терма жамоалари ўртасида халқаро мини турнир уюштирилди.

Унда Хитой, Хорватия, Филиппин ҳамда Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари бош совринни қўлга киритди.

Аввалига Хорватия ёшлар терма жамоаси билан ўйнаган ёшларимиз 1:1 ҳисобидаги жанговар дурангга эришишди. Сўнгра мезбон терма жамоа — Хитойни Жасур Абдураимов шогирдлари 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Сўнгги ҳал қилувчи баҳсда Филиппин ёшлар терма жамоасини ҳамюртларимиз йирик 9:0 ҳисобида мағлуб этишди ва тўплар нисбатига кўра хорватияликлардан яхшироқ натижани қайд этган вакилларимизга халқаро турнир ғолиблиги насиб этди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Хитой — Филиппин – 4:0, Филиппин — Хорватия – 0:9, Хитой — Хорватия – 0:1.

Маълумки, сентябрь ойида Ҳиндистонда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

ЁШЛАРИМИЗ ЯНА ҒОЛИБ

Ушбу нуфузли турнирда фақат совринли ўринлар учун курашишга аҳд қилган Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоамиз пойтахтимизда ташкиллаштирилган "Эртанги кун спорти" деб номланган футбол фестивалида иштирок этишди. Дарвоқе, ушбу мусобақада Туркманистон, Эрон ва Япония ўсмирлар терма жамоалари ҳам ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Бундай ушбу нуфузли фестивалга ҳамда кузда уюштириладиган Осиё чемпионатига тайёргарлик доирасида Тошкентда ўсмирлар терма жамоамиз ўқув-машғулот йиғинида қатнашган эди. Машғулот доирасида Темур Олимхўжаев шогирдлари "Бунёдкор"нинг иккинчи лигадаги жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашишди. Беллашувда Темур Олимхўжаев йиғинга таклиф этилган ўсмирлар терма жамоаси футболчиларининг барчасини майдонга туширди. Муросасиз ва қизиқарли кечган баҳс ўсмирлар терма жамоамизнинг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. "Бунёдкор" дарвозасига голларни Алфайзи Неъматов ва Абубакр Мўйдинов (пенальти) киритишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **10 март** куни ҳаво ўзгариб тураги, кечаси ва эрталаб қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 5-10, кучайган ҳолда 12-15 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 9-11, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 март** ва **11 март** эрталаб Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9207
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.10
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ